Ушбу сонда:

2 КОРХОНА ЁНИДА ПРОФИЛАКТОРИЙ

3 ЯХШИ ИШЛАГАН кўнгилли ҳордиқ чиқаради

4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ

ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 7 январ, шанба № 4 (2053)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонига биноан ўтган йили Жиззах вилоятида олтмишта мактаб биноси қайта реконструкция қилинди.

Зарбдор туманнинг Сутбулоқ қишлоғида жойлашган 12-мактаб - уларнинг бири.

«Жиззахэлектромонтаж» масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан қайта бунёд этилган икки қаватли мактаб биноси 260 ўқувчига мўлжалланган. Янги бинога эллик миллион сўмлик мактаб жиҳозлари келтирилди. Замонавий компьютер синфи, спорт зали ҳам ўқувчилар хизматида.

(ЎзА)

КУРАШ ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

Жорий йилда кураш бўйича халқаро мусобақалар Грецияда ва Буюк Британияда «Ислом Каримов» турнирлари билан бошланади

Халқимизнинг неча минг йиллик миллий қадрияти - кураш халқаро спорт турига айланганига унчалик кўп бўлгани йўқ. Истиқлол йилларида халқимиз қадриятларини қайта тиклашга алоҳида эътибор қаратаётган мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 1998 йилнинг 6 сентябр куни Кураш халқаро ассоциацияси /ХКА/ тузилган ва жаҳон спортида янги яккакураш тури вужудга келган эди.

Ўтган етти йил давомида ХКА раҳбарияти асосий эътиборни курашни дунёга танитиш, унинг хусусиятлари, афзалликларини тарғиб қилиш, қитъаларда конфедерациялар, мамлакатларда миллий федерацияларни тузишга қаратди. ХКА фаолиятининг дастлабки йиллари Осиё, Европа, Панамерика, Африка, Океанияда минтақавий конфедерациялар тузилди. Бугунгача дунёнинг етмишдан зиёд давлатида кураш миллий федерациялари тузилиб, Кураш халқаро ассоциациясига бирлашди.

Жаҳоннинг қатор мамлакатлари кураш бўйича жаҳон, қитъа чемпионатларига, нуфузли халқаро турнирларга мезбонлик қилмоқда. Юз минглаб йигит-қизлар бу ҳалол ва жозибадор янги спорт турини қунт билан ўзлаштирмоқда. Кураш хорижлик мутахассислар томонидан бир неча маротаба энг жадал ривожланаётган спорт тури сифатида алоҳида эътироф этилгани ҳам шундан.

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида ХКА раҳбарлари, мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўтган йили амалга оширилган ишлар сарҳисоби, 2006 йилга мўлжалланган режалар ва ХКАнинг мусобақалар тақвими хусусида фикр алмашди.

- ХКА курашни ривожлантиришга оид ташкилий ишларни босқичма-босқич амалга оширмоқда, - деди Кураш халқаро ассоциацияси бош котиби У.Ёқубов. - Ҳозир биринчи босқич якунланди. Ўтган давр мобайнида дунё бўйлаб ХКА инфратузилмасини шакллантириш, яъни федерация ва конфедерациялар тузиб, уларнинг жадал ишлаши йўлга қўйилишига муваффақ бўлинди. Натижада, кураш Халқаро Олимпия қўмитасининг Олимпиада ўйинлари дастурига кириши учун қўйган талабларининг бир нечтаси бажарилди. Ўтган йили Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге ХКА раҳбарияти билан учрашувда курашнинг жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Иккинчи босқичда асосий эътибор курашни янада оммалаштириш, федерациялар, спортчи ва мурабийлар сонини кўпайтириш, кўпчиликда катта қизиқиш уйғотаётган спортнинг бу турини Жанубий Америка ва Осиё ўйинлари каби минтақавий мусобақалар дастурига киритишга қаратилади.

Кураш халқаро ассоциациясининг 2006 йилги тақвимидан жаҳон, қитъа чемпионатлари ва биринчиликлари, нуфузли халқаро турнирлар, жами ўттизга яқин мусобақа жой олган. Кураш бўйича дастлабки халқаро турнирлар 29 январ куни Грециянинг Салоники ва Буюк Британиянинг Ситтингборн шаҳарларида «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнирлари билан бошланади. Грецияда иккинчи маротаба ташкил этилаётган «Ислом Каримов» халқаро турнирида йигирмага яқин мамлакатдан юз йигирма нафар полвон гиламга чиқади. Буюк Британиядаги турнир эса ўндан зиёд давлатдан келган юз нафарга яқин ўғил болалар, қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида ўтказилади.

Айтиш жоизки, ХКАнинг мусобақалар тақвими йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Жорий йилда Зимбабве, Камерун, Россия, Туркия, Венесуэла, Таити, Греция, Ҳиндистон ва Конго Республикасида янги халқаро турнирлар, чемпионатлар, Гран-при мусобақалари ташкил этилади.

Яна бир эътиборли томони шундаки, мусобақаларнинг тенг ярми болалар, ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртасида ўтказилмоқда. Айниқса, Исроилдаги «Olympic Hopes» / «Олимпия умидлари»/, Буюк Британиядаги «Ислом Каримов» халқаро турнирлари ҳар йили кўплаб истеъдодли ёш полвонларни кашф қилмоқда. Бу ўз навбатида дунё мамлакатларида иқтидорли ёш полвонлар тарбияланаётгани, хорижлик болакайлар ўзбек курашига меҳр қўйиб, спортнинг бу турини пухта эгаллаётганидан яна бир далолатдир.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

Фаолларимиз

РАЖАБ ҲОСИЛОТНИНГ ЎҒЛИ

Ражаб бобонинг айтган гаплари ҳануз Тўйчининг қулоғи остида жаранглайди:

– Ўғлим, аввало одамларга яқинроқ бўл, саховатингни, меҳрингни дариғ тутма, – деганди эндигина ўрта мактабни тугаллаган Тўйчини ёнига чақириб олар экан. – Доимо яхшилик уруғини сочиб юр. Зеро, эзгулик – олий инсоний фазилатлардан бири.

Отахоннинг ўғлига айтган шу гапларига ҳам 40 йилдан ошибди. Айни пайтда Қарши туманидаги Яхши Омонов номли хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Тўйчи Ражабов отаси ўгитларига қулоқ тутиб кам бўлмади. Эл орасида обрў-эътибор топди.

– Тармоғимизда 29 та бошланғич ташкилот бўлиб, ўз атрофига 16800 нафардан ортиқ касаба уюшма аъзосини бирлаштирган, – дейди агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма туман кенгаши раиси Қамар Амирқулов. – Ўз меҳнати билан эътибор топган фаолларимиз ҳақида қанча гапирсак озлик қилади. Фароғат Қиёмова, Дўсиёр Раҳимов, Дилмурод Темиров, Гелдиёр Жалилов сингари касабақўм раислари ишидан барча мамнун.

Оилада иккинчи фарзанд бўлган Тўйчи ўрта мактабни тугаллаб, далага йўл олди. Ундаги ғайрат-шижоатни, қобилият ва тиришқоқликни кўрган хўжалик раҳбари унга олий ўқув юртига кириб билим олишни маслаҳат берди. Унга хўжалик ўз ҳисобидан стипендия тўлаб турди. Сув муҳандислиги бўйича олий маълумот олган йигит яна она қишлоғига қайтди. Хўжалик меҳнаткашлари унга ишонч билдириб, хўжалик касаба уюшма раислигига сайладилар.

1985-1992 йилларда астойдил фаолият кўрсатган Тўйчи Ражабов кам таъминланган, муҳтож оилаларга кўмак бериш, ижтимоий ҳимоя қилишда бош-қош бўлди. Қисқа муддат «Қовчин» қишлоқ фуқаролар йиғинига раҳбарлик қилгач, 2000 йилда яна эски ишини қабул

қилиб олди.

Эл ишончи – олий унвон. Хўжаликда ўз атрофига 1778 нафар аъзони бирлаштирган 7 та цех бошланғич ташкилоти бор.

Қатор йиллар қишлоқ хўжалигида ишлаб нафақага чиққан фахрийлар билан дилдан суҳбат қилиш, уларнинг кўнглини олиш Тўйчининг одатига айланган. Шу мақсадда Маҳкамой Хазраткулова, Бодом Олимова, Маҳмуд Аҳмедов, Куйли Хушиевлар хонадонига ташриф буюриб, дилдан суҳбат қилди.

– Барака топсин, ажойиб йигит-да, – дейди фахрийлар. – Тўйчивой ўз фарзандимиздек бўлиб қолган. Одамларнинг яхши-ёмон кунларида ёнма-ён туради. Ҳамиша уни савобли ишларга бош бўлиб турганда учратамиз.

– Ўзимизнинг Ражаб ҳосилотнинг ўғли-да, отасига тортди, – дейди давра-дагилар. – Ражаб бобо ҳам элпарвар, одамохун киши эдилар.

Дарҳақиқат, Ражаб Ботиров бир неча йил хўжаликда ҳосилот бўлиб ишлаган кезлари ҳосилдорлик йил сайин ошиб, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланди. От ўрнини той босади, деганларидек, касабақўм раиси ҳам касаба уюшмалари нуфузини ошириб, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофаза қилишда «Касаба уюшма ташкилоти, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятлари тўғрисида»ги Қонун талаблари, шунингдек, яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IV қурултойи қарорлари ҳамда меъёрий ҳужжатлар талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритмоқда.

Меҳнатда ўрнак кўрсатган ишлаб чиқариш илғорлари ҳамда меҳнат фахрийларини тўплаб қадимий Бухоронинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштиргани барчанинг кўнглидаги иш бўлди. Ёзда меҳнаткашларнинг фарзандлари Яккабоғнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган «Соҳибқирон» оромгоҳида дам олдирилган бўлса, 20 нафар киши юртимиз сиҳатгоҳларида ва санаторийларида соғлиқларини тикладилар.

Шу кунларда ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилаяпти. Ерга, мулкка эгалик ҳисси ортмоқда. Барча жойда бўлгани каби хўжаликда ҳам фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйган. Талабгорлар тендер танловларида иштирок этишмоқда. Ғолиблар ҳақиқий ер эгаси бўлишади. Фермерларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилишда, албатта, касаба уюшмаларининг ўрни катта. Бу эса касабақўм раисидан янгича шароитга мослашиб фаолият юритишни тақозо этади. Тўйчи Ражабов айни пайтда касаба уюшма аъзолари сонини кўпайтириш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Ш.СУЛТОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Ҳамкорликда гап кўп

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Юртимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарига хорижий инвестицияларнинг кенг жалб этилиши натижасида маҳсулотлар сифати ва тури кўпаймоқда. Натижада мамлакатнинг экспорт қудрати кучаймоқда. Энг қувонарлиси, маҳаллий аҳоли муқим иш ўринларига эга бўлмоқда.

Фарғона вилоятидаги Фурқат туманида фаолият кўрсатаётган "Ишонч" ҳиссадорлик жамияти акцияларининг 66,4 фоизини покистонлик ишбилармон Муҳаммад Иқбол 2000 йилнинг баҳорида сотиб олди. Тадбиркор ишни дастлаб 6 миллион 775 минг АҚШ доллари миқдорида замонавий чет эл технологияларини олиб келиб ўрнатишдан бошлади. Бу технологиялар 2003 йилдан бошлаб тўлиқ маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Корхона аввалида 295 нафар ишчи-хизматчини иш билан таъминлаган бўлса, бугун уларнинг сони 900 тага етди. Шу вақт мобайнида Германия ва Хитойдан келтирилган дастгоҳларнинг самарали ишлаши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва тури анча кўпайди. Натижада жаҳон бозорларида харидоргир бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди.

Қаердаки ишчи-хизматчиларга қулай шароитлар яратиб берилса, меҳнат унумдорлиги ҳам ошади. Бу ерда ишчи-хизматчиларга яратилган шароитлар ҳавас қилса арзигулик.

– Корхонамизда асосан аёллар меҳнат қиладилар. Иш 3 сменада ташкил қилинган бўлиб ходимларимизга қулай бўлиши учун 3 та автобус бепул хизмат кўрсатмоқда, – дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Юсуфжон Маматов. – Шунингдек, уларга махсус кийим-бош, бепул тушлик бериб борилади. Ишчи-ходимларимизнинг хонадонларида хотиржамлик, ўзлари соғлом бўлса чин дилдан меҳнат қилишини яхши тушунамиз. Шу боис уларга қулай шароитлар яратиш доимо эътиборимизда.

Дарҳақиқат, бу ерда меҳнаткашларнинг фарзандларига ҳам ғамхўрлик кўрсатилганига гувоҳ бўлдик. Жамият қошидаги 180 ўринли замонавий болалар боғчаси бепул хизмат кўрсатади. Ишчиларни соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратиляпти. Ўтган 2005 йилдан 18 нафар ходимлар "Зомин", "Чимён", "Ропқон" сиҳатгоҳларда дам олдирилди. Шунингдек, корхона ҳудудида мўъжазгина кутубхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, ундаги адабиётлар сони 15 мингтани ташкил этади. Бу ерда ишчилар бўш вақтларида турли адабиётлар билан танишиш имкониятига эга. Ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 45-60 минг сўмни ташкил этмоқда.

Корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳозирда Испания, Корея, Туркия, Украина ҳамда Россия сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда. 2005 йилнинг 11 ойи давомида 2927 тонна ип йигиришга эришилди. Бу эса ишлаб чиқаришнинг жадал суръатлар билан ўсаётганлигидан далолат беради. Корхона бошқарув раиси Ричард Томас асли америкалик бўлиб, ўзбек тилини ва урф-одатларимизни яхши ўзлаштириб олгани бизни қувонтирди. У биз билан соф ўзбек тилида бемалол суҳбатлашганида, тўғриси, ҳайратда қолдик.

– Ўтган йили мамлакатингиз Президенти томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги учта фармони корхонамизнинг муваффақият билан ишлашида катта ижобий таъсир кўрсатди, – дейди Ричард Томас. – Албатта, келгуси режаларимиз катта. Бу йилда маҳсулот экспорт ҳажмини 80-90 фоизга оширишга ҳаракат қиламиз. Бунинг учун хориждан яна замонавий дастгоҳлар келтирилади. Бу борада амалий ишларни бошлаб юбордик.

З.БОЛТАБОЕВ,
«Ишонч» мухбири



Меҳнат муҳофазаси

Ижро интизомидаги масъулиятсизликни оклаб бўлмайди. Таассуфки айрим соҳаларда ана шундай яроқсиз иш услуби сақланиб қолаяпти. Бу эса бошқарувда назоратнинг сусайганидан, ижрочилар бефарқлиги илдиз отганидан далолатдир.

ИЖРОСИЗ ҚОЛГАН БУЙРУҚ

ҳунук ҳодисаларга олиб келди

Қонун-қоидаларимизда энг аввало инсон омили эътиборга олинади. Ҳар жиҳатдан кафолатланишга қарамасдан баъзан ўзини ўтга-чўққа урувчилар ҳам йўқ эмас. Айниқса, ишлаб чиқариш жараёнида топширилган вазифага кўр-кўрона ёндошиш бу борадаги йўриқнома-ю, меъёрлардан четлаб ўтиш одатий ҳолга айланаётгани ачинарли. Оқибатда мутасаддилар юзини шувут қиладиган, инсон тақдирига таҳдид солувчи бахтсиз ҳодисаларга йўл очилаяпти. «Гулистон нефт базаси» унитар корхонасида ана шундай ҳолат юз берди. Вазифага масъулият билан ёндошилганда, ўзбошимчаликка йўл қўйилмаганида олам гулистон эди. Аммо шошқалоқлик, мутасаддилардаги лоқайдлик фожеали ҳодисага олиб келди.

Ўтган йилнинг 31 октябрида «Ўзнефтмаҳсулот» акциядорлик компанияси ходимлари томонидан «Гулистон нефт базаси» унитар корхонаси Сирдарё бўлимига қарашли 5-сонли ФЁТ-Шдаги 2-сонли сиғимда сифатсиз бензин борлиги аниқланди. Унитар корхонанинг сифат ва миқдорини назорат қилиш бўлими ходимлари тегишли чора кўрган. Хусусан 1 ноябрда тахминан соат 17.00 ларда яроқсиз ёнилғи аргегат орқали тортиб олиниб, нефт базага олиб келинади. Сиғимни тозалаш, тартибга солиш юмушлари бажарилиши керак эди. Аммо 2-4 ноябр кунлари ҳайит байрами муносабати билан маъмурият буйруғига асосан дам олиш кунлари, дея эълон қилинади. Худди шу буйруқда барча АЁҚШ ҳамда ФЁТ-Шларда дам олиш кунларида пайвандлаш, газ ва ёнғин чиқиш хавфи бўлган барча юмушлар тақиқлаб қўйилган. 5-ФЁТШ бош оператори Б.Йўлдошевнинг таъкидлашича, 2 ноябр куни у Сирдарё филиали бош муҳандиси Х.Эроновга учраган. Сиғимни тозалашга рухсат сўрайди. Аммо бош муҳандис чилангар уста жўнатишга ваъда беради. Лекин операторлар бу билан қаноатланмайди. Ўзбошимчалик билан иш бошлашга қарор қилишади. 3 ноябр куни оператор Қаҳрамон Бегалиев унитар корхона чилангари Фахриддин Йўлдошев хонадонига келади. Аммо тополмагач, 4 ноябр эрталаб учрашади. Қ. Бегалиев барча тайёргарликни кўриб қўйганлигини, тозалаш учун сиғим қопқоқлари очилганлигини уқтириб, устани ишлашга кўндиради. Шу заҳоти асбоб-анжомларни автомашинага юклаб шохобчага келишади. Ёрдамга шу ерда юрган И.Наврўзов ҳам чақирилади.

Филтрли противогаз кийган чилангар уста Ф. Йўлдошев сиғим ичига тушади. У пастдаги 2 челак бензинни тепада турган Қ. Бегалиевга узатади. Лекин тезда ҳушидан кетиб, сиғим ичига йиқилади. Вазиятдан шошиб қолган Қ. Бегалиев ва И. Наврўзовлар ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз сиғим ичига нарвон орқали тушишган. Қаҳрамон Ф. Йўлдошевни тепарокда турган И.Наврўзов қўлига илдиришга интилади. Нафаси қайтган И.Наврўзов бу ишнинг уддасидан чиқолмайди. Кўмакка келган бошқа операторлар ҳам ҳеч нарса қилишолмайди. Хушидан айрилган Қ. Бегалиев ва Ф. Йўлдошевлар бир муддат сиғим ичида қолиб кетади. Фавқулотда вазиятлар вазирлиги хизмати чақирилади ва жабрдийдалар туман марказий шифохонасига келтирилган Қ. Бегалиевда ҳаёт аломатлари кўринмаганлиги учун шифокорлар унинг вафот этганлигини қайд этишган. Ф.Йўлдошев эса нефт маҳсулотлари буғлари захарлаш келишилган «Нефт ва газ тармоғида меҳнат муҳофазасини бошқаришнинг ягона тизими» йўриқномасининг 7,21 бўлими 7,21.1 ва 7.21.2 бандлар билан яхши таниш эди. Бироқ бошлиқ ходимларнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига, техника хавфсизлигига риоя этмаётганлигини кўра-била туриб бу ишга йўл қўйган. Натижада бир навқирон йигит бемаврид оламдан кўз юмди. Икки фуқаро ногирон бўлиб қолди. Эндиликда уларга бир неча миллион сўмлик товон тўлашга тўғри келади.

Демоқчимизки, бу ходиса кўпчиликка сабоқ бўлиши керак. Кўза кунда эмас, кунида синишини яна бир бор эслатиб қўйишга жазм этдик.

Т.АБДУРАЗЗОҚОВ,
Сирдарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси меҳнат техника инспектори

ВАТАН ОНА ҚАЛБИДАН БОШЛАНАДИ

Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро нохукумат хайрия жамғармаси ҳамкорликда Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида ўтказган тадбир ана шундай номланди.

Учрашувда Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўлими бошлиғи Ойниса Нодирова, билим юрти бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шуҳрат Абдуллаев, Ўзбекистон Хотин-Қизлар қўмитаси масъул ходими Зулфия Мўминова ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳукуматимиз томонидан осойишталигимиз посбонларига, жумладан, ҳарбий билим юртлари курсантларига ғамхўрлик кўрсатилаётгани, она-Ватан ҳимояси шу юрт фарзандлари учун нақадар шарафли бурч экани ҳақида гапирдилар.

Тадбир иштирокчилари ётоқхоналар, ошхона ва кутубхоналарда курсант ва аскарлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар. Билим юрти музейида бўлиб, мазкур даргоҳ тарихига оид маълумотларга эга бўлдилар.

Учрашув таниқли санъаткорларнинг чиқишлари билан якунланди.

(ЎзА)

Касаба уюшмалари бугун

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

оммавийлиги йўлида

Кейинги вақтда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш ва уни янада ривожлантириш борасида жойларда кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2004 йилдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида яратилган шароитлар ҳамда спорт иншоотларининг аҳволи тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш учун барча имкониятлар сафарбар этиляпти.

Куни кеча Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашида туман, шаҳар спорт жамиятлари ва Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг ўтган йилда амалга оширган ишлари изчил таҳлил этилди. 2006 йил учун бажариладиган иш режалари белгилаб олинди.

Тармоқлараро 5-босқичда ўтказилган меҳнаткашларнинг «Саломатлик» спартакиадаси ҳам оммавийлик касб этмоқда. Айниқса, вилоят соғлиқни сақлаш, таълим ва фан, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари ушбу тадбирда фаол иштирок этишди. Бунинг натижасида вилоят терма жамоаси республика чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Кенгаш спорт заллари ҳамда майдонларини таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техника базасини яхшилаш учун барча имкониятларни сафарбар этаяпти.

Лекин соҳани ривожлантириш борасида муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, 2004 йилгача болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ва спорт клубларида 23 та спорт тури фаолият кўрсатган бўлса, айни кунга келиб уларнинг сони 17 тага тушиб қолди. Спортнинг қўл тўпи, сузиш, бадиий гимнастика, велоспорт турлари ёпилди. Ушбу турларнинг илгариги мавқеини сақлаш учун барча имкониятлар сафарбар этилиши лозим. Меҳнаткашларни оммавий спортга жалб этишда спорт йўриқчилари асосий рол ўйнайдилар. Лекин мулкчилик шакли ўзгариши натижасида баъзи ерларда штатли йўриқчилар қисқартирилмоқда. Айни кунларда улар саноқли даражада. Маблағ етишмаслиги натижасида ҳозирги кунда фақатгина 6 та туманда ярим ставкада туман жамиятлари фаолият олиб бораётганликлари ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Ўтган йил давомида вилоятда «Сиҳат-саломатлик йили»га бағишланган дастурни бажариш юзасидан касаба уюшма ташкилотлари томонидан кўплаб ишлар қилинди. Шу жумладан, барча қишлоқ, туман, шаҳарларда оммавий равишда хотин-қизлар спартакиадалари босқичма-босқич ўтказилди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда вилоятнинг 32 минг 964 нафар хотин-қизлари иштирок этди. Айниқса, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ҳамда Қибрай, Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ туманларида спорт тадбирларининг оммавийлиги байрамона кечди.

Чирчиқ шаҳридаги Олимпия заҳиралари спорт коллежининг биносида ўтказилган республика финал мусобақасида Тошкент вилоят терма жамоаси фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, барча ҳудудларда меҳнаткашларнинг «Саломатлик» спартакиадаси мусобақаси оммавий тус олди. «Отам-онам ва мен — спортчи оила» шиори остида оилавий мусобақалар бўлиб ўтди. Ўқув муассасаларида «Алпомиш ва Барчиной» тест-синовларини қабул қилиш, «Наврўз», Мустақиллик байрамларида турли спорт байрамларини ўтказиш одат тусига кириб бормоқда.

ка финал босқичи спартакиадасида умумжамоа ҳисобида ғолибликни қўлга киритди.

Маълумки, вилоят аҳолисининг ярмидан кўпини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Тошкент вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ва унинг жойлардаги бўлимлари, 9 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари раҳбар ва мураббийлари фарзандларимизни бўш вақтларида спортга жалб этиш учун турли спорт тадбирлари ўтказишмоқда. Жумладан, Ўрта Чирчиқ туманида болалар ўртасида мунтазам равишда таэквандо, футбол бўйича В. Федоров хотира турнири бўлиб ўтмоқда. Тошкент туманида эса маҳаллалараро футбол биринчилиги ва турон якка кураш спорт тури бўйича очиқ биринчиликлар ўтказилаётгани фикримизни тасдиқлаб турибди.

Ёшларни спортга жалб этишда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари алоҳида аҳамиятга эга. У ердаги аҳвол таҳлил этиладиган бўлса, Тошкент туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакили Дилшод Мансуров Венгрияда ўтказилган жаҳон биринчилигида эркин кураш бўйича чемпионликни қўлга киритди. Шунингдек, касаба уюшма спортчиларидан Азамат Қулжонов, оғир атлетикачи Искандар Маминбеков, юнон-рум кураши спортчиси Дониёр Абдуллаев ва бошқалар Осиё биринчиликларида совринли ўринларни эгаллашди. Яна бир спортчи Маҳфуза Абдуллаева эса турон якка кураши бўйича республика

Ўтган йили вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамияти тизимида 108 та курашчи, улардан 2 та спорт устаси, 8 та спорт усталигига номзод, 17 та биринчи тоифали спортчи ва 64 та оммавий тоифали спортчилар тайёрланди. Бу албатта етарли эмас. Натижада «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» каби мусобақаларда ҳам вилоят касаба уюшма спортчилари яхши натижаларга эриша олишмаяпти.

Яна бир муаммо. Бу ҳам бўлса олий маълумотли мураббий кадрларнинг етишмаслигидир. Бу борада Чирчиқ шаҳридаги олимпия заҳиралари коллежида турон бўлими очилди. Бир неча спортчилар Тошкентдаги республика олимпия заҳиралари коллежида таҳсил олишмоқда. Лекин бу мураббийларга бўлган талабни тўлиқ қондирмаяпти. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти якка курашлар кафедраси қошида турон бўлими очилса, ушбу спорт туридан мураббийларга бўлган эҳтиёж тўлиқ қондириларди.

Н.РАФИҚОВ
«Ишонч» мухбири

Фарғона вилояти миқёсида бугунги кунда паст рентабелли истиқболсиз 40 та ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш ишлари қизғин давом этмоқда. Фермерликка тендер танловлари очиқ-ошқора ва холис бўлиши учун жойларда тарғибот ва ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Айни пайтда Тошлоқ туманида Яккатут ва Ҳ. Марозиқов номли ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда бу ширкат хўжаликларида қайта ташкил этиш комиссиялари иш олиб бормоқда. Айниқса, Яккатут ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси иши диққатга сазовордир.

Суратда: фермер хўжалигига айлантириш бўйича қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари.

М.ҚОДИРОВ
(ЎзА) олган сурат.

КОЛЛЕЖЛАРДА «ИНТЕРНЕТ КЛУБ»ЛАРИ

Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Марғилон шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида «Интернет клуб»лар ташкил этилди.

- Мақсад ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборат, - дейди ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Жалолхон Ғофуров. - «Интернет клуб»ларда нафақат коллеж ёшлари, балки маҳалла йигит-қизлари ҳам компьютер сабоқларини олиши мумкин. Айни кунларда Марғилон шаҳридаги ана шундай клубларда 300 дан ортиқ йигит-қиз бепул билим оляпти.

Марғилон педагогика коллежида ташкил этилган «Интернет клуб»да ҳозир Янги боғ, Гўриаввал ҳамда Навоий маҳаллалари ёшлари замонавий тармоқ орқали дунё янгиликларидан, хориждаги тенгдошлари ҳаётидан хабардор бўлмоқда.

- Мен компьютерга жуда қизиқаман, - дейди Алишер Навоий маҳалласида яшовчи, 3-ўрта мактаб ўқувчиси Ўктамжон Абдуллаев. -Ҳозир устозларим кўмаги билан Марғилон шаҳрининг сайтини яратиш устида ишлаяпман. Бу севимли шаҳримнинг 2000 йиллик юбилейига арзимас совғам бўлади.

Вилоятдаги бошқа коллежларда ҳам ёшлар учун ана шундай клублар ташкил этиш режалаштирилган.

Орамиздаги одамлар

ҲАЁТ ИШҚИ

Фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йилданоқ ҳақиқий деҳқонлар ўзларининг нималарга қодир эканликларини амалда кўрсата бошладилар. Тежамкорлик ва омилкорлик билан иш юритиш асосий шиорга айланди. Ерларнинг ҳосилдорлиги кескин оширилди. Фермер билан бақамти ишлашни хоҳловчилар сони кўпайди. Бу, албатта, бежиз эмас. Улар доимий ойлик маошларига қўшимча тарзда буғдой, ўсимлик ёғи, йил охирида мукофот пуллари олиб турибдилар.

Менга ҳам фермерлик насиб этганидан хурсандман. Барча ишларни бошқариш, ҳисоб-китобни назорат қилиш, айниқса, қачон, қандай юмушни амалга ошириш ўз ихтиёримизда. Бу биз учун катта имконият, катта имтиёз. Мисол учун, ўзим фаолият юритаётган Бўка туманидаги «Улуғбек» фермерлар уюшмасининг «Омонов Омонтурди» фермер хўжалиги кўрсатган натижаларни таҳлил қилиб кўрайлик. Ҳосилдорлик кутганимиздан зиёда бўлди. Шартнома мажбуриятида белгиланган 2 тонна буғдойни давлатга топшириб, яна 3 тоннасини ишловчиларга иш ҳақи ҳисобидан тарқатдик.

Пахтачиликда ҳам меҳнатларимиз зое кетмади. Қачон экиш, ўғитлаш, суғориш, ишлов бериш, ҳаммасини обҳаво шароитига, ернинг ҳолатига қараб ўзимиз белгиладик. Натижада шартнома мажбуриятига қўшимча яна бир тонна пахта топширдик. Энг қувонарлиси, 7,3 гектар майдондан йиғиб олинган қимматбаҳо саноат хомашёсининг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Бошқача айтганда, ҳар бир тонна пахта 294 минг сўмдан сотилди. Пахта ҳосилининг ўзидан 5 ярим миллион сўмга яқин даромад олишга эришдик.

Мен билан ёнма-ён туриб меҳнат қилган 9 нафар деҳқонлар кам бўлишмади. Уларга 4 тонна буғдой мукофот сифатида бепул тақсимлаб берилди. Бундан ташқари, саржисобдан кейин қўшимча мукофот пули беришни ҳам ўйлаб турибмиз.

Ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар ўз самарасини бермоқда. 2005 йилнинг ўзида фермерлар ва тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи 5 та Фармон ва қарор қабул қилинди. Айниқса, ягона тўловнинг жорий қилиниши фермер хўжалиги раҳбарларининг далада янада самарали меҳнат қилиши, муаммоларни ҳал қилиш учун кўпроқ вақтга эга бўлишига имкон яратди. Айни кунларда 6,8 гектар майдонга буғдой уруғи экдик. Бу йилги ҳосилдан ҳам умидимиз катта. Далаларга тикилиб туриб, кўнглимда янги-янги эзгу ниятлар кўз очмоқда. Одамларнинг турмуш шароити яхшиланиб боришида ўзим ҳам масъул эканлигимни ҳис қилганим сайин фермерликни ихтиёр этганимдан ич-ичимдан хурсанд бўламан.

Қўзибой ОМОНОВ
фермер

ЁШ ОНАЛАР МАКТАБИ

Ғиждувон туман тиббиёт муассасалари бирлашмасида одамларда ўз соғлигига тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш ва оилани соғломлаштириш борасида алоҳида дастур тузилиб, соғломлаштириш ишлари олиб борилляпти. Жумладан, тумандаги барча қишлоқ врачлик масканлари ходимлари ва маҳалла фуқароларига ёшларни эрта турмуш қуриш ва унинг салбий оқибатларин акс эттирувчи қўлланмалар тарқатилди. Аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилди. Ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун бирлашма томонидан 750 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Соғлом онадан, соғлом фарзанд туғилади. Бунинг учун бўлажак оналар саломатлигига жиддий эътибор қаратиш зарур. Туманимиздаги 61 минг 636 нафар туғиш ёшидаги хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллиги аниқланганлари назоратга олинди. Экстрогенетал касалликларга чалинган аёллар туман, вилоят, касалхоналарида даволантирилди. Уларнинг бир қисми соғломлаштирилди.

Туманда истаксиз ҳомиладорликнинг олдини олиш мақсадида туғруқхоналарда, қишлоқ ҳакимлик масканларида контрацепция воситаларини индивидуал танлаб қўллаш амалга оширилмоқда. Мавжуд 2 та туғруқхона бўлимларида ёш оналар мактаби ташкил этилиб, унда оналарга она сутининг аҳамияти, бола парвариши хусусида семинар олиб борилляпти. 1 ёшгача бўлган болалар патронажини кучайтириш мақсадида алоҳида ҳамшира ва ҳакимлар бириктирилди. Бундан ташқари, тумандаги барча аҳоли қатламлари, хусусан пенсионерлар, ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари назоратдан ўтказилди. Ёлғиз кекса ва кам таъминланганларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш учун касалларнинг 34 нафари марказий, 13 нафари вилоят касалхоналарида, 615 нафари амбулатория шароитида даволантирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, унинг моддий-техника даражасини ошириш, фойдалана оладиган ва аҳолини ўз вақтида кўрсатиладиган тиббий ёрдам билан таъминлаш учун 2 та янги гулистон ва Оқработ қишлоқ врачлик масканлари қуриб битказилди. Ҳозирда бу ерда аҳоли саломатлигини яхшилаш учун етарли шароитлар мавжуд.

Ў.ТОШАЕВ,
шифокор

ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТАДИ

«Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Ушбу йўлнинг учинчи босқичида 104 километрлик масофага пўлат из ётқизилди.

Маълумки, янги темир йўлнинг Тошгузар-Деҳқонобод, Қумқўрғон-Бойсун қисмлари ўтган йилларда қуриб битказилган эди. Қурилишнинг учинчи, энг мураккаб босқичи - Деҳқонобод-Бойсун оралиғидаги тоғлар, даралар, адирликлар оша ўтадиган қисмида қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бош пудратчи - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг қурувчилари, муҳандис-техник ходимлари Қорадаҳна ҳамда Чашмаи Хафизонгача бўлган 23 километрлик масофада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

Тоғ дарёлари устида кўприк қуриш, аҳоли яшаш жойларида бекатлар барпо этиш, электр энергияси, табиий газ ўтказиш ишлари ҳам комплекс тарзда бажариляпти.

(ЎзА)

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ОТА ИЗИДАН

Учқўрғонга йўлим тушганида уч йил кўришмаган қадрдонимни зиёрат қилишга тўғри келди. Аниқроғи, дўстим оғир бетобликни бошидан кечирганлигини эшитган бўлсам-да, бориб кўришга фурсат топмаган эдим.

– Минг шукр, соғайиб кетдим, – деди ҳол-аҳвол сўрашганимиздан кейин мезбон. – Яхшиямки бахтимизга шифокорлар бор, йўқса, мен деярлик ҳаёт билан видолашган эдим. Наманганда Алишер Қаҳҳоров деган жарроҳ бор экан, чақирув билан етиб келиб, туманимиз шифохонасида ўзи жарроҳлик ўтказди. Зарур муолажалар белгилади. Хуллас, ҳаётимни сақлаб қолди.

Жарроҳга Қўғай қишлоғида яшовчи муаллим Алижон аканинг миннатдорчилигини етказганимда, аввалига эслай олмади. Уни тушуниш мумкин, ахир орадан бир мунча фурсат ўтдида.

– Биласизми, ҳижолат тортганнамо жилмайди шифокор. – Ҳар ҳафтада санавиацияда навбатчилигимиз бор. Вилоятнинг қаерига бормаймиз дейсиз! Чотқол тоғида чорва боқадиган чўпон ўтовларигача борганмиз.

... Ўша куни аслида, Алишер навбатчи эмас эди. Иш вақти тугалланишига саноқли дақиқаларгина қолган бўлиб, синфдош дўстининг туғилган куни муносабати билан ўтказилаётган тантанага боришни режалаштирганди. Санавиациядан қўнғироқ қилиб зудлик билан сафарга ҳозирлик кўриб туришлигини, бугун навбатчилик қилиши белгиланганлигини, мутахассиснинг тоби қочиб келмаганлигини айтишди. А.Қаҳҳоров етиб борганида Қўғай участка касалхонасига келтирилган бемор ошқозонидаги эски яраси аллақачон очилиб кетган ва ўн икки бармоқли ичак қисмида каттагина ёриқ ҳосил бўлганидан кўп қон йўқотган, қорин бўшлиғи овқатга аралаш чиқиндилар билан заҳарланиб, чириш даражасига етиб қолган эди. Бундай ҳолатда камдан-кам беморнигина сақлаб қолиш мумкин. Зудлик билан туман касалхонасига олиб бориб, жарроҳлик операцияси ўтказишга киришди. Бу жараён уч соатга яқин давом этди. Бемор тонгга яқин кўзини очиб, сув сўради. Шу вақтгача Алишер бемор ёнидан жилмади.

Алишернинг падари бузруквори Абдуғаффор Қаҳҳоров ҳам шифокор бўлган. Айтишларича, Абдуғаффор ака ўз соҳасининг билимдони ва фидокори бўлган. Тошкент тиббиёт олийгоҳини битиргач, Наманган шаҳар соғлиқни сақлаш тармоқларида меҳнат қилиб эл ҳурматини қозонган. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирларида сариқ (гепатит) касаллиги шаҳарда шу даражада авж олгандики, шифокорлар уйларига кетмасдан, тўғридан-тўғри касалхонада ётиб ишлашган. Натижада Абдуғаффор аканинг ўзи гепатитнинг оғир шаклига чалиниб қолади. Ҳамкасблари ҳар қанча уринишмасин, уни сақлаб қолишнинг иложини тополмадилар ва навқирон чоғида ҳаётдан кўз юмди. Эндигина тўққиз ёшга қадам қўйган, беш фарзанднинг тўнғичи Алишер ўшанда кўзда шашқатор ёш билан ота тобути орқасидан эргашиб бораркан, ўз-ўзига мактабда фақат аъло баҳоларга ўқишга, падари бузруквори изидан бориб, шифокор бўлишга, беморлар дардига шифо топишга онт ичди ва шундай қилди ҳам.

Ҳақиқатан ҳам мактабда Алишернинг олдига тушадиган ўқувчи топилмади. Мактабни «Олтин медал» билан тугаллаган ўсмир биттагина имтиҳон топшириб, Андижон тиббиёт олийгоҳига ўқишга қабул қилинди.

Биринчи курсни тугатаётиб бир сафар уйга келганида оиласидаги шароитни кўриб кўнгли ғоят ўксиди. Тўғри отаси вафот этгач, онаси ишга кирган, аммо оддийгина ишчи аёлнинг олаётган маоши рўзғор тебратишга урвоқ ҳам бўлмасди. Андижонга қайтиб келгач, шаҳардаги «Тез тиббий ёрдам» бўлимининг тунги навбатчилик қисмига ишга кирди. Қарабсизки, энди «Тез тиббий ёрдам» бўлимидаги навбатчилик маошини бус-бутун уйга келтириб берар, аълочилик стипендияси эса ўзига етиб ортарди.

Ишлаб чиқариш амалиётларини Наманган шаҳар тиббиёт шохобчаларида, асосан ҳозирда ўзи меҳнат қилаётган жарроҳлик бўлимида ўтказди. Дам олиш кунлари ҳам жарроҳлик бўлимида бўлиб, иш ўрганди.

Олийгоҳни тугаллагач, дастлабки икки йилда Наманган шаҳрининг Давлатобод шаҳарчасидаги 5-поликлиникада ишлашга тўғри келди. Ундан сўнг Алишерни танлаган ва севган соҳаси — республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган вилоят филиали жарроҳлик бўлимига ишга таклиф қилишди. А.Қаҳҳоров 1994 йилдан эътиборан ушбу бўлимнинг мудири сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

– Илмий марказимизнинг, жумладан, бўлимимизнинг бошқа тиббиёт тармоқларидан фарқи шундаки, ҳар қандай касалликни қисқа муддат ичида аниқлаб, муолажа тадбири белгиланади, – дейди суҳбатимиз давомида А.Қаҳҳоров. – Бунинг учун бизда зарур бўлган барча шарт-шароит мавжуд. Чунончи, Япония, Германия, Чехославакия, Венгрия ва Россияда тайёрланган тиббиёт асбоб-ускуналаридан фойдаланилади.

А.Қаҳҳоров билан мулоқотимиз давомида стол устидаги бир неча конверт эътиборимизни тортди. Рухсат сўраб, уларга назар ташлаймиз. Поп, Чуст, Мингбулоқ, Норин туманларидан, ҳатто қўшни Фарғона, Андижон вилоятлари, Қирғизистон Республикасидан ҳам бор.

Жарроҳлик бўлимида кеча-кундуз чироқ ўчмайди. Бу ерда муолажа ва жарроҳлик ишлари тинимсиз давом этади.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири

Кучли ижтимоий ҳимоя

КОРХОНА ЁНИДА ПРОФИЛАКТОРИЙ

Республикамиз иқтисодиётида «Гулистонэкстрактёғ» ҳиссадорлик жамиятининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Бугунги кунда вилоятдаги йирик корхоналардан ҳисобланган мазкур жамоада 700 нафарга яқин ходим меҳнат қилмоқда. Уларнинг 80 фоизи бевосита ишлаб чиқариш билан машғул. Маъмурият томонидан ишловчиларга қулай, хавфсиз меҳнат шароитлари яратиб берилаётгани эътиборга лойиқ. Жумладан, янги мавсум арафасида барча ишлаб чиқариш цехлари аттестациядан ўтказилди. Аҳамиятлиси шундаки, корхонада ўқув курслари ҳам ташкил этилган. Унга техник-муҳандис, ишчилар жалб этилиб, машғулотни ушбу соҳанинг етук мутахассислари олиб боришмоқда. Машғулотлардан сўнг, назорат-синовдан муваффақиятли ўтган ходимларга сертификат топширилди. Сўнгги уч ой мобайнида 160 нафар ишчи ўқув машғулотларига қатнаб, тажриба ва малакасини оширдилар.

— Иш жойларининг ҳолати мунтазам таҳлил этиб борилади, - дейди техника хавфсизлиги муҳандиси О.Кўчмуродов. — Бу ишга жиддий ёндашилганлиги боис ишлаб чиқариш билан боғлиқ бирорта бахтсиз ҳодиса содир бўлмади. Ўтган йилнинг ўн ойида меҳнат муҳофазаси учун 17 миллион сўм маблағ сарфланди. Иш жойлари қайта таъмирланди ва ишловчиларнинг барчаси махсус иш кийимлари ва бошқа зарур воситалар билан таъминланди.

Айни пайтда корхонада асосий эътибор хомашёни қайта ишлаш, сифатли, харидоргир маҳсулот тайёрлашга қаратилган. Цехлар таъмирланиб, дастгоҳларнинг эҳтиёт қисмлари янгиланди. Натижада корхона замонавий ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Ўтган йиллар давомида вилоятда пахта ҳосилдорлиги пасайиб, бу корхонага ҳам ўз таъсирини ўтказганди. Баъзида машина механизмлар бекор турмаслиги учун хориждан соя дони келтирилиб, қайта ишланди. Республика «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси корхонага чинакам ғамхўрлик кўрсатаётганлиги туфайли хомашё муаммоси бартараф этилди. Таъкидлаш жоизки, изланиш ва ташаббус корхона ишчи-хизматчиларининг шиори.

Рақобат - бозор иқтисодиётининг асосий мезони ҳисобланади. Сир эмаски, янги замонавий технология ва асбоб-ускунага эга бўлмаган корхона бунга дош бериши мушкул. Буни жамоа яхши тушунади, қалбдан ҳис этади. Масалан, беш йил аввал тозаланган ёғни қадоқлаб чиқаришга мўлжалланган янги замонавий цех бунёд этишга киришилди. Қўшни мамлакатлардан зарур дастгоҳлар келтирилди. Ўсимлик ёғини ҳидсизлантирадиган асбоб-ускуналар ўрнатилди. Франциядан пластмасса идишлар тайёрлаб чиқарадиган ярим автоматлар олиб келиниб, ишга туширилди. Ибратли томони шундаки, бу кредитсиз амалга оширилди. Эндиликда тайёрланаётган 1 литрли полиэтилен идишлардаги ўсимлик ёғи истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Шунингдек, жамиятда кейинги йилларда хўжалик совуни ишлаб чиқарадиган цех бунёд этилди. Совун тайёрлаш учун хомашё сероб. Фақатгина каустик сода Россиядан келтириляпти. Авваллари Янгийўл, Фарғона, Урганч совунлари мамлакатимиз бозорларидан ўрин олган бўлса, эндиликда Гулистон совунлари ҳам истеъмолчиларга манзур бўлаётир. Бурноғи йилда корхонада 534 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 1000 тоннадан ошиб кетди.

Корхонада келгусида олиен кислотаси ишлаб чиқариш ҳам мўлжалланган. Шу пайтгача бу маҳсулот хориждан валюта эвазига келтириларди. Яқинда цехда синов тариқасида дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилди. Эндиликда бу ерда 3500 тоннагача олиен кислотаси тайёрланади.

Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўртача ойлик маошлар 80 — 100 минг сўмни ташкил этяпти. Ошхона, душ, тиббий пункт меҳнаткашлар ихтиёрида. Ҳар бир цехда алоҳида дам олиш хоналари мавжуд. Маош, устама мукофотлар, таътил ва ёрдам пуллари мунтазам бериб борилляпти. Байрам ва турли саналар муносабати билан фахрийлар ва меҳнат ногиронлари моддий рағбатлантирилмоқда. Жумладан, Халқаро ногиронлар куни муносабати билан 20 нафар ногирон, 15 нафар кам таъминланган оилага баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилди.

Корхона қошида профилакторий мавжуд. Бу ерда ишчи-ходимлар бепул даволанишади. Сиҳатгоҳда маъданли сув, балчиқ, ток, массаж билан даволаш йўлга қўйилган. Шу билан бирга шаҳар чеккасида «Саломатлик маркази» очилган.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

Тадбир

ЯХШИ ИШЛАГАН
кўнгилли ҳордиқ чиқаради

Оддий меҳнаткашга қанчалик эъзоз кўрсатилса у ўз касбига шунчалик меҳр қўяди. Шуни ҳисобга олиб Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталган жорий йилнинг дастлабки кунларида хайрли ишга қўл уришди.

Тошкент вилоятидаги агросаноат мажмуи ҳамда энергетика соҳасида меҳнат қилаётган бир гуруҳ ишлаб чиқариш илғорлари санаторийларга бепул йўлланмалар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди. Уларнинг қирқ нафари агросаноат тизимида ишлаб давлатга буғдой ва пахта сотиш йиллик режасини ошириб бажарган қишлоқ хўжалик ходимлари, 15 нафари эса ёқилғи энергетика комплекси соҳасининг фидойилари эди.

Йўлланмаларни Тошкент вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Муҳайё Тўлаганова топширди. Ўз сўзида у тақдирланганларни сиҳатгоҳларда яхши дам олиб, бундан кейин ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятларига муваффақиятлар тилади.

Ортиқой Сарибоева Оққўрғон туманидаги «Сарибой ота» фермер хўжалиги аъзоси.

– Мен шу пайтгача санаторийда даволанмаган эдим. Меҳнатимни қадрлаб «Турон» сиҳатгоҳига йўлланма берган вилоят касаба уюшма раҳбарларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Келгуси йилда ҳам пахта ва ғалладан юқори ҳосил олиб бизларга кўрсатилган бу ҳурматни ўз меҳнатим билан, албатта, оқлайман.

Турдимурод Тоғаев Бекобод туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг механизатори.

– Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси чақириб ушбу йиғилишга таклиф этганида, дастлаб ҳайрон бўлдим. Мана ҳозир «Турон» сиҳатгоҳига йўлланма ҳамда қимматбаҳо совғани олиб ўзимда йўқ ҳурсандман. Албатта гап совғада эмас, кишининг қадрида. Шундай экан, бундан буёнги фаолиятимда ҳам яхши-яхши натижаларга эришишга ҳаракат қиламан.

Ризвонгул Неъманова «Тошкентэлектртармоқлари» корхонаси электр монтёри.

— Анчадан буён бирон-бир сиҳатгоҳда даволанишни орзу қилиб юрардим. Мана, меҳнатимни қадрлаб «Чотқол» сиҳатгоҳига бепул йўлланма беришди. Бу кўрсатилган эҳтиромдан нафақат ўзим, балки бутун оила аъзоларим ва дўст-биродарларимнинг ҳам бошлари кўкка етади албатта.

Р. НЕЪМАТОВ

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

Савол:Мен 1996 йил феврал ойидан нафақадаман. 1996 йил феврал ойидан то 2005 йил 1 майгача бўлган деярли 10 йиллик умумий меҳнат стажимга қўшилмаяпти. Шу тўғрими?

Р.ЎРИНОВ, Тошкент шаҳри

Жавоб:«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 49-моддасида пенсияларни қайта ҳисоблаш шартлари белгиланган. Бунга кўра пенсияни қайта ҳисоблатиш учун пенсионер пенсия миқдорига таъсир кўрсатувчи (пенсия тайинлашигача бўлган иш стажи ва иш ҳақи тўғрисидаги ҳамда бошқа) қўшимча ҳужжатларни тақдим этган тақдирда яъни:

– ногиронлик гуруҳи ўзгарганда;

– боқувчисини йўқотганлик пенсияси оладиган оила аъзолари сони ўзгарганда;

– энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари ўзгарган тақдирда;

– минтақавий коэффицент белгиланган ёки унинг миқдори ўзгарган тақдирда;

– даромадлар индексация қилинган тақдирда амалга оширилади.

Пенсионерлар пенсияни қайта ҳисоблаш учун ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлгандан сўнг исталган вақтда мурожаат этишлари мумкин. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, ушбу Қонун пенсия тайинланганидан сўнг орттирилган меҳнат стажини ва иш ҳақини ҳисобга олиб қайта ҳисоблашни бекор қилади. Фақат янги асослар бўйича бошқа пенсияга ўтган ҳоллардагина меҳнат стажи ҳисобга олинади. Ушбу Қонун 1994 йил 1 июнда кучга кирган бўлиб, пенсионерларнинг пенсияга чиққанларидан кейинги ишлаган даври пенсияни қайта ҳисоблаб чиқариш учун инобатга олинмайди.

Савол: .1956 йил Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги мактабни тугатиб, шу йилнинг ўзидан шу мактабда меҳнат ва чизмачилик фани ўқитувчиси лавозимида ишлаб 1991 йил нафақага чиқдим. 2005 йил сентябр ойидан бошлаб менинг нафақамдан ушлаб қолинмоқда, чунки мен олийгоҳни битирмаган эканман. Шу тўғримми?

Умуман мен компенсация олиш ҳуқуқига эгаманми?

Қ.Юлдашев,

2-гуруҳ ногирони, нафақадаги ўқитувчи

Биздан сўраган эдингиз

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 279-моддаси 1-бандига биноан иш берувчи томонидан ихтиёрий равишда тўланган шу жумладан, қонунни нотўғри қўллаш оқибатида тўланган ортиқча иш ҳақи қайта ундириб олиниши мумкин эмас, ҳисоб-китобда йўл қўйилган хато оқибатидаги ортиқча тўловлар бундан мустасно. 2003 йил 1 апрелгача уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича имтиёзлар бериб келинган, 2003 йил 1 апрелдан эса имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловлари тўланиб келган. 2005 йилнинг 1 майидан бошлаб эса компенсация пул тўловлари педагогик маълумотга эга бўлган ташкилотларнинг нафақасига ўқитувчиларнинг иш ҳақига қўшиб берила бошланди.

Сизнинг педагогик маълумотингиз йўқлиги туфайли компенсация пул тўловлари берилмайди.

Саволларингизга ҳуқуқшунос М.Абдуллаев жавоб беради

Савол: Меҳнат шартномаси тузилаётганда ходим ўзининг меҳнат вазифалари билан таништирилиши керакми? Ва у қандай тартибда амалга оширилади.

М.ЮЛДАШЕВА, Тошкент шаҳри

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасига биноан, меҳнат шартномаси деганда, ходим билан иш берувчи ўртасида муайян (аниқ бўлган) мутахассислиқ, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафларнинг келишуви ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосидаги ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги ўзаро келишуви тушинилади.

Ҳозирги пайтда Меҳнат Кодексининг 74-моддасига асосан меҳнат шартномалари ёзма равишда тузилиб, унда ходимнинг меҳнат вазифаси - яъни мутахассислиги, малакаси ва у ишлайдиган лавозим аниқ белгилаб қўйилиши шарт.

Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 178-моддасига мувофиқ, ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим. Одатда ҳар бир ходимга нисбатан, уларнинг мутахассислиги ва лавозимига мос бўлган лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилган бўлиши ва улар билан ходимлар имзо чектириш орқали таништирилган бўлишлари лозим. Ушбу тартибга риоя қилмаслик кейинчалик ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат низосини юзага келтириб чиқариши мумкин.

Савол: Ногирон болани тарбиялаётган хотинга қўшимча дам олиш кунини йил давомида жамлаб бериш мумкинми?

Т.АБДУМАЖИДОВ, Нарпай тумани

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 230-моддасига асосан, ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар, давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланадиган ҳолда ойига қўшимча бир кун дам олиш берилади.

Ушбу имтиёздан кўзланган асосий мақсад ногирон болани парваришлаш ҳамда уни тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи эҳтимолини назарда тутиб, унга амалда қаровчиларга қулайлик яратиш эканлигидан келиб чиқиб, уни муайян давр учун жамлаб бериш назарда тутилмаган. Яъни ушбу имтиёздан ходим ҳар ойда бир мартадан, демак йил давомида 12 кун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ангрен шаҳридаги «Каолин ООО» Германия — Ўзбекистон қўшма корхонасида саноат учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бу ерда 174 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Уларга ишлаш ва дам олишлари учун барча шароит яратилган. Ўртача ойлик маош 85 минг сўмни ташкил этяпти. Байрамлар муносабати билан мукофот пуллари бериб борилмоқда. Янги йил байрамида 100 нафар ишчилар фарзандига 400 минг сўмлик совғалар улашилди. Шунингдек, меҳнаткашлар ўртасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу мақсадда тез-тез спорт мусобақалари, турнирлар ўтказиб турилади.

Суратда: корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Жўрабек Мирусмонов (ўртада) ишчилар билан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Спорт оламида

Футбол

МАНИШЕ «ЧЕЛЬСИ»ДА ТЎП СУРАДИ

УЕФА расмий сайтидан олинган маълумотда Португалия терма жамоаси ҳамда Москванинг «Динамо» жамоаси ярим ҳимоячиси Манише 6 ой давомида «Чельси» таркибида ижарада ўйнаши эълон қилинган. Бунга сабаб қилиб Роман Абрамович жамоасининг асосий таркиб футболчилари Жереми Житап ҳамда Дидье Дрогбаларнинг Африка миллатлар кубоги баҳсида қатнашуви айтилган. Бу фурсат мобайнида футболчилар ўз жамоаси учун муҳим бўлган 6 та учрашувни ўтказиб юборади. Бунинг устига ўтган турда асосий таркиб футболчиси Мишель Эссьен ҳам жароҳат олди ва унинг қачон сафга қайтиши ҳозирча номаълум.

Англия чемпиони Манишени ёзги трансфер мавсумида тўлиқ ўзиники қилиб олиши мумкин. Футболчининг ўзи бўлса яна Жозе Мауриньо қўл остида шуғулланишидан бахтиёр эканлигини билдирган.

– У энг кучли мураббийлардан бири саналади. Мауриньо мен учун нафақат мураббий балки яқин дўстим бўлиб қолади. Ўз фаолиятим давомида футболчи ҳамда мураббий ўртасида бундай илиқ муносабатни кўрмаганман, – деган футболчи.

АНГЛИЯ ТЕРМАСИ ТАЙЁРГАРЛИКНИ БОШЛАДИ

Бу йил футбол мухлислари учун катта байрам. Навбатдаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувлари Германия яшил майдонларида бўлиб ўтади. Ушбу биринчиликка йўлланма олган Англия терма жамоаси чемпионатга пухта ҳозирлик кўриш мақсадида бир неча ўртоқлик учрашувларини ўтказади.

Улар ўзларига рақиб сифатида Уругвай (1-июнда), Ямайка (3 июнда) терма жамоаларини танлашган. Шунингдек, 3 май куни улар гуруҳдоши бўлмиш Венгрия терма жамоаси билан ҳам ўз имкониятларини синовдан ўтказади.

ТОЛЬДО «ЭВЕРТОН»ДА ЎЙНАШИ МУМКИН

Италия терма жамоасининг собиқ дарвозабони Франческо Тольдо яқин вақт ичида ўзи ўйнаётган «Интер» таркибидан Англиянинг «Эвертон» жамоасига ўтиши мумкин.

Ҳозирда у ўз жамоаси таркибида учинчи дарвозабон сифатида ўйнайди. Ёзги трансфер мавсумида Англия клуби уни сотиб олишни режалаштирган. Чунки, айни кунларда «Эвертон» жамоаси қийин вазиятга тушиб қолган. Жамоа турнир жадвалининг сўнгги поғонасида бораётган икки жамоани ортда қолдириб келмоқда, холос. Клуб раҳбарияти хозирда жамоа дарвозабони бўлган Найжал Мартиннинг ўйинларидан қониқиш ҳосил қилмаяпди.

ШУМАХЕР ЎҒЛИ УЧУН ТАШВИШЛАНМОҚДА

«Формула-1» пойгаларининг етти карра ғолиби машҳур автопойгачи Михаэл Шумахер 3 январ куни ўзининг 37 ёшини нишонлади. Шу маросимда у ўғли 6 ёшли Микининг ўз изидан бориб, автопойгачи бўлишини хоҳламаслигини билдирган.

Янги йилни ҳамда туғилган кунини ўзининг Швецариядаги муҳташам виллисида оила аъзолари - рафиқаси Карина, қизи Мария ҳамда ўғли Мики билан қаршилаган катта Шумахер яна бир бор ўғлининг «Формула-1» пойгаларида қатнашишини истамаслигини айтган.

-Микининг ўзи автопойгаларга унча аҳамият бермаётгани мени қувонтиради. Истардимки, у бошқа йўлдан кетсин, шунда уни мен билан таққослаб кўришга имкон бўлмайди. Агар теннис ёки гольф билан шуғулланса қаршилик қилмаган бўлардим, - дея таъкидлаган жаҳон чемпиони.

Ўзи биринчи марта 4 ёшидан автокарга ўтирган номдор спортчи «Агар ўғли кутилмаганда автопойгага ишқибоз бўлиб қолса, қаршилик қилмаслигини, аксинча фойдали маслаҳатлари билан унга кўмак беришини» айтган.

Теннис

ОМАДИ ЧОПМАДИ

Қатар пойтахти Доҳада давом этаётган теннис бўйича АТР таснифига кирувчи йилнинг дастлабки йирик турнирида Россия вакилларининг омади чопмади. Чорак финалга етиб келган уч нафар рус теннисчилари рақибларига имкониятни бой беришди.

Николай Давиденко - италиялик Филлип Воландрига, Дмитрий Турсунов - француз Гаэлем Монфилсемга ютқазиб қўйди. Михаил Южний ҳам ярим финалга чиқа олмади.

Аёллар таснифида ҳам россиялик қизлардан омад юз ўгирди. Австралиянинг Голд-Косте шаҳрида давом этаётган теннис турнирида Динара Сафина ярим финал баҳсида чехиялик Люси Сафаровага икки сетда имкониятни бой берди. Яна бир Россия вакили Надежда Петрова ҳам Янги Зеландияда давом этаётган турнирда франциялик Марион Бартолига уч сетда ютқазиб қўйди. Барча россиялик спортчилар орасида Вера Звонарева курашни давом эттирмоқда. У ушбу турнирнинг финалига йўл олди.

А. ЮНУСОВ тайёрлади

ЯНГИ ШИФО МАСКАНИ

Тошкент вилояти Қибрай туманининг «Байтқўрғон» ширкат хўжалиги ҳудудида ўн минг аҳолига хизмат кўрсатадиган янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади.

- Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада туманимизда ҳам муайян ишлар қилинди, - дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Малика Набиҳўжаева. - Фойдаланишга топширилган мазкур шифо маскани қурилишига юз миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ердаги ўндан ортиқ замонавий жиҳозланган тиббий хоналарда терапевт, педиатр, акушер-гинеколог каби мутахассислар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, кундузги стационар ва физиотерапия хоналари ҳам ишлаб турибди.

Кейинги йилларда туман ҳудудидаги мавжуд шифо масканлари анчайин қаровсиз ҳолга келиб қолган эди. Тизимни ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, қишлоқ врачлик пунктлари замонавий қиёфа касб этмоқда.

Туманда ана шундай шифо масканларидан тўққизтаси тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Сиҳат-саломатлик йилида «Турон» ширкат хўжалиги ҳудудида ҳам янги шифо маскани қурилди. Айни пайтда «Маданият» ва «Қизил шалола» ширкат хўжаликларидаги тиббий муассасаларда охирги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жорий йилнинг мамлакатимиз раҳбари томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши бу борадаги ишларни янада кучайтиришга хизмат қилади. Одамлар дардига малҳам бўлиш, ҳомийлик қилиш, ёрдам қўлини чўзиш ўзбек халқига хос фазилат. Биз юқорида таъкидлаган шифо масканларида олиб борилган қурилиш ва қайта таъмирлаш ишларида ҳам ҳомийларнинг ҳиссаси катта бўлди.

(ЎзА)

Шарҳловчи минбари

АҚШ ВАЛЮТАСИНИНГ ҚИЙМАТИ АРЗОНЛАШМОҚДА

2006 йилнинг АҚШ доллари учун жиддий синовлар даври бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Жаҳон молия бозорларида унинг Европа умумий валютаси - еврога нисбатан қиймати яна арзонлашаётгани кузатилмоқда. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, чоршанба куни биржаларда ўтган савдода 1 евро 1,2136 долларга баҳоланган. АҚШ миллий валютаси сўнгги 5 йил мобайнида бу даражада қадрсизланмаган эди.

АҚШ Федерал захира тизими (Марказий банки) томонидан 2005 йилда банклараро кредит ҳисоб ставкасининг бир неча бор оширилгани боис долларнинг евро ва япон иенасига нисбатан қиймати 14 фоиз ўсганди. Жорий йилда мазкур усулнинг қўлланилиши режалаштирилгани йўқ. Бу эса хориж сармоядорларининг АҚШ валютасига бўлган талабини пасайтирмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, долларнинг еврога нисбатан арзонлашуви яна давом этади. Бунга АҚШ иқтисодиётида юзага келаётган муаммолар ва жаҳон бозорида нефть нархининг қимматлашиб бораётгани ҳам сабаб бўлиши мумкин. Европа марказий банки (ЕМБ) томонидан 2005 йил 1 декабрда кредит ҳисоб ставкаси кўтарилиб, 2,25 фоиз белгилангани эса евро қийматининг мустаҳкамланишига таъсир қилди.

Хитой юанининг АҚШ валютасига нисбатан алмашув курси ошгани жаҳон молия бозори учун кутилмаган воқеа бўлди. Европа биржаларидаги савдода 1 доллар 8,0675 юанга тенг бўлди. Бу ўтган давр мобайнида Хитой пул бирлиги қийматидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Юаннинг келгусида евро каби АҚШ долларига жиддий рақиб бўлиши таҳмин қилинмоқда. Бугунги кунда Хитойда эришилаётган иқтисодий ва илмий-техникавий ютуқлар бунга мустаҳкам замин яратиши шубҳасиз.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Тинч океани томондан келган кучли тўфон Австралиянинг шарқий соҳилларига хуруж қилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, табиий офат оқибатида мамлакатнинг Квинсленд ва Янги Жанубий Уэльс штатларида 50 мингга яқин хонадон электр таъминотидан маҳрум бўлди. Қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

Ҳозир талофат етган ҳудудларда қисман бўлса-да, энергия таъминоти тикланди. Мутахассислар тўфон олиб келган кучли ёғингарчилик бир неча кун давом этишини таҳмин қилаётир.

* * *

Япония ҳарбийларининг Ироқни муддатидан аввал тарк этиши кутилмоқда. Расмий Токио ва Вашингтон ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг шундай қарорга келинди.

Ўтган йил январида Япония парламенти Ироқда тинчликпарвар кучларнинг ваколат муддатини 2006 йилнинг 14 декабрига қадар узайтирган эди. Бироқ ушбу қарорга эндиликда ўзгартириш киритиладиган бўлди. Ас-Самовия шаҳридаги япон қўшинлари жорий йил май ойида ўз ватанига қайтиши мумкин. Бироқ, Ироқнинг бошқа қисмларидаги Япония ҳарбийлари йил охирига қадар Ироқда қолиши мумкин.

* * *

Австралия сафарида бўлган Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти ва бош вазири шайх Маҳтум бин Рашид Ал-Маҳтум вафот этди. Дипломатик корпус вакилларининг таъкидлашича, 63 ёшли шайх юрак хуружи оқибатида ҳаётдан кўз юмган. У 1990 йилдан буён ҳокимиятни бошқариб келаётган эди.

Шайх Маҳтумнинг ўлими муносабати билан Бирлашган Араб Амирликларида 40 кунлик мотам эълон қилинди. Бир ҳафта давомида давлат муассасалари ёпиб қўйиладиган бўлди. Барча мактабларда ўқиш 14 январгача тўхтатилди.

(ЎзА)

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти «Давинком» давлат инвестиция фирмаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан бошланғич баҳоси босқичма-босқич пасайиш механизми бўйича 2006 йил 11 январдан қуйидаги объектлар қўйилаётганлигини маълум қиламиз.

3-синф бўйича, яъни ҳар 15 савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган объектлар

1. Самарқанд вилояти Оқдарё туманида жойлашган 61-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (61-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 35000,0 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз. Рес. Мбнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда.

2. Қашқадарё вилояти, Нишон туманида жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (12-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 18900,0 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз. Рес. Мбнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда.

Ҳар савдо сессиясида бошланғич баҳосига нисбатан 5 фоизга пасаядиган объект

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Ортиқов ш/х.да жойлашган «Пахта нефт базаси» унитар корхонасига қарашли 14-В сонли мой алмаштириш шохобчаси.

Бошланғич баҳоси — 3987,0 АҚШ долларига тенг эквивалентда Ўз.Рес. Мбнинг сотув кунидаги курси бўйича сўмда.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг.

Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Кора-қамиш 2/4 массиви, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.
Телефонлар. 399 80 26, 136 26 26. Факс: 136 06 17 www. rkmb. uz

Эслатма: РКМБ электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб, нархлар эркин шаклланади.

ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ўзингизни синаб кўринг

1. Халқаро баскетбол федерацияси қачон ташкил топган?
А. 1931 йил 15 март
В. 1932 йил 18 июн
С. 1935 йил 10 январ
Д. 1934 йил 16 феврал

2. Миллий кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати ғолиблари?
А. А.Қурбонов, К.Муродов, Т.Муҳаммадиев
В. Т.Ибрагимов, Ф.Зокиров, Н.Каримов
С. С.Хўжаев, К.Мамажонов, К.Юлдошев
Д. Р.Аҳмедов, Т.Файзиев, Р.Хушвақтов

3. Футбол бўйича ОФКга янги аъзо бўлган Океания минтақаси мамлакати?
А. Янги Зеландия
В. Индонезия
С. Австралия
Д. Малайзия

4. Ўзбекистоннинг каратэ бўйича 2000 йилги энг кучли спортчиси?
А. Н.Нафасов
В. П.Усмонов
С. О.Қосимов
Д. А.Истомин

5.«Самбо» сўзининг асл маъноси нима?
А. «Қуролсиз» — ўз-ўзини ҳимоя қилиш
В. «Қурол билан» — ўз-ўзини ҳимоя қилиш
С. Шеригига зарба бериш
Д. Рақибидан қуролини тортиб олиш

6. «Бокс қироли» номини олган спортчи?
А. М.Тайсон
В. Муҳаммад Али
С. Ленокс Льюс
Д. Николай Валуев

7. Осиё олимпия қўмитаси аъзоси бўлган спорт журналисти ким?
А. А.Имомхўжаев
В. О.Аҳмедова
С. Т.Низаев
Д.С.Данилов

8. 2005 йил шоҳмот бўйича жаҳон кубогини қўлга киритган гроссмейстер?
А.П.Свидлер
В. Р. Қосимжонов
С. В.Ананд
Д. Л.Ароян

9. Белбоғли кураш Федерациясининг президенти ким?
А. Ш.Мирзақулов
В. Р.Исоқов
С. Б.Тожиев
Д. К.Юсупов

Улар бизнинг келажагимиз

Хўжайли туманида болалар спортини ривожлантиришга юксак масъулият билан ёндошилмоқда. Шаҳар ва овуллар, касб-ҳунар коллежлари, мактаб ва маҳаллаларда ўнлаб ўйингоҳлар, спорт заллари, теннис кортлари қуриб фойдаланишга топширилди.

ҚИЗЛАР ҲАМ АНОЙИ ЭМАС

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг туман бўлимидан маълум қилишларича, ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялаш, уларнинг мустақил дунёқарашини шакллантириш, онги-шуурида Ватанга садоқат, эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғуларини қарор топтиришга қаратилган оммавий-маданий тадбирлар кенг кўламда амалга оширилаяпти.

Президентимиз иштирокида Оқсаройда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг йиғилишида қишлоқ мактабларида жисмоний маданиятни йўлга қўйиш, қизларнинг спорт билан шуғулланишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш, хотин-қиз мураббийлар тайёрлаш давлат аҳамиятига молик сиёсий масала эканлиги алоҳида таъкидланди.

– Ҳар томонлама баркамол, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни тарбиялаш муқаддас бурчимиздир, – дейди биз билан суҳбатда Хўжайли шаҳридаги «Кураш» мактабининг мураббийси Умида Бешимова. – Соғлом турмуш тарзини шакллантириш фарзандларимизни турли салбий таъсирлардан асраш имкониятини беради.

Тажрибали тренер ўнлаб иқтидорли ёшларга устозлик қилган. 12-умумтаълим мактабининг 9-синфини битирган Мадина Сафарбоева Умида опанинг садоқатли шогирдларидан. Уч йилдан буён машғулотларда фаол қатнашаётган полвон қиз ўзининг профессионал маҳоратини ошириб бормоқда. Умида опа раҳбарлигида спортнинг дзю-до тури сирларини пухта ўрганаяпти. Мураббий яна бир шогирди 53-умумтаълим мактабини тугаллаб, ҳозирги кунда педагогика коллежида таълим олаётган Бибижон Бойхўжаевадир.

– Мамлакатимиз кураш ватанига айланганлиги билан фахрланамиз, – дейди Бибижон мамнуният билан. – Яқинда бўлиб ўтган кураш бўйича бешинчи жаҳон чемпионати ўзбек халқининг қадимий анъаналари жаҳон бўйлаб оммалашиб бораётганлигини оламга намойиш қилди. Кураш спорт тури сифатида расман тан олинганидан буён ўтган йил мобайнида дунё бўйлаб кенг қулоч ёйиб, ўзининг мухлис ва ишқибозларини топди. Кураш ҳақиқий мардлар ўйини.

Спортнинг бу турини туманда оммалаштиришга «Кураш» мактаби жамоаси ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Спорт мактабининг улкан татамисида ёшлар кураш тушмоқда. Тажрибали педагог, мураббий Умида Бешимова қизларнинг ҳар бир ҳаракатини синчковлик билан кузатиб турибди. Ёшлигидан спорт усталигига номзод бўлган Мадина Сафарбоева ва Бибижон Бойхўжаевалар рақибларни чиройли усул қўллаб мағлуб этганда шаънларига олқишлар янграйди.

Илм даргоҳида ўттиздан ортиқ полвон қизлар спортнинг кураш турлари билан шуғулланмоқда. Ёш спортчилар орасида мамлакатимиз довруғини оламга ёядиган курашчилар етишиб чиқишига шубҳа йўқ.

И.ИСОМИДДИНОВ

Қарши шаҳри билан Косон ўрталиғида Пудина номли ажиб бир қишлоқ мавжуд. Бу қишлоқ қадимда йирик маданий марказ бўлганлигини яқингинада билиб қолдим. Аслида у ерларга Қашқадарё воҳасининг кўҳна обидалари – сардобаларни ўрганаман, деб боргандим. Дарвоқе, илмий адабиётлар ўтган асрнинг бошларида Пудинада маҳобатли сардоба — усти гумбаз билан ёпилган эшик, туйнукли, зинапоялик ажабтовур сув иншооти мавжуд, дея хабар берарди. Юзлаб чақирим йўл босиб Пудинага етиб келгач, тарвузим қўлтиғимдан тушди. Чунки мен кўришга иштиёқманд бўлган қадимги гидротехник иншоот – сардоба 1935-40-йиллардаёқ аввал гумбази ўпирилиб тушиб, кейинчалик эса ғиштлари турли мақсадларда ишлатилиб кетган экан. Бу хабарни қишлоқдаги «Қусам Шайх» ансамблини зиёрат қилиб туриб танишган пудиналик янги танишларим Рўзимурод Норов, Омон Боқиев, Зоир Наимовларнинг берган гурунгидан билиб олдим.

Ўтмишдан мужда

МУБОРАК ТУТ

Ажабтовур шарқона меъморчилик русумида қурилган хонақоҳ, масжид биноларини томоша қилар эканман, сарҳовуз қирғоғи бўйлаб барқ уриб турган аллақанча дов-дарахтлар билан биргаликда маҳобатли тутга рўбарў бўлдим. Унинг кексалиги улкан қоматидан билиниб турарди. Аммо тарвақайлаб кетган шохлари қуриб қолган, қучоқ етмас танаси ёрилиб-ёрилиб кетганди. Хайрон қолдим. Қуриб қолган ёғоч, боғчага унча кўрк бермаётгандек, эди назаримда. Шерикларим дарҳол мени тушунишди.

— Баховуддин Нақшбанд ҳазратларидан қолган ёдгорлик! Шунинг учун қуриб қолган бўлса-да авайлаб сақламоқдамиз. У киши болаликларида шу тут ниҳолини ўз қўллари билан эккан эканлар.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бутун мусулмон олами зиёрат қилишни орзу қилган, кўнгилларни ажиб бир меҳрга тўлдирувчи зотнинг муборак излари тушган заминда турганлигимни сезиб қолдим. Вужудимни қамраб олган ҳис-ҳаяжонни таърифлашга тил ожиз.

Дарвоқе, мен сардобаларни ўрганаман, деб қанчалар буюк зот Аҳмад Яссавийнинг қиз тарафдан эваралари, Хонзода Муҳаммад Ал-Машҳур Қурра Ҳожа Атойи ўғли Қусам Шайх (тахминан 1198-1338 йилларда яшаб ўтганлар)нинг муборак хоклари қўйилган муқаддас зиёратгоҳга келиб қолган эдим. 1218 йили Қусам Муҳаммад укалари Мансур Муҳаммад ва Исхоқ Муҳаммадлар билан Арабистон томонларга илм истаб отланадилар. Йигирма йиллик таҳсилдан сўнг Қусам Муҳаммад ҳалигача ҳаяжонимизни боса олмасдан турган мана шу замин — Косон туманига қарашли Пудина қишлоғида қолиб, Пудина ҳадисшунослик мактабига асос соладилар. Шу тариқа ўз даврининг улуғ шайхи даражасига етишган Қусам Шайхнинг Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк қалам соҳибларининг ҳам асарларида муносиб ўрин олганликлари бежиз эмас. Балки Абдураҳмон Жомий ёки Алишер Навоий Қусам Шайхни Баҳовуддин Нақшбанднинг устозлари эдилар, дея эътироф этиб, Пудинани бир бор зиёрат қилиш орзусида бўлгандирлар.

Ривоят қилишларича, илм истаб келган бир ўспирин Қусам Шайх ҳазратларининг эътиборини тортади. Бу вақт Шайх ҳазратлари қовун еб ўтирар ва бот-бот пўчоқларини ерга ташлар эдилар. Шунда ўша ўспирин тупроққа беланган пўчоқни муборак нафаслари теккан неъмат тарзида ердан ола сола еб қўяверади. Бу ҳолат уч бора такрорлангач, Қусам Шайх ўспириннинг илм олишга иштиёқи ниҳоятда баланд эканлигини англаб ва уни шогирдликка оладилар. Бу ўспирин кейинчалик диллардга Оллоҳ номини нақшдек банд этиш йўлида ўзгача бир мактаб яратган, бутун мусулмон олами унинг зиёратига бир бора етмоқни орзу қилувчи пири муршид Ҳазрати Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари эдилар.

Бу неҳолки, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан Қарши чўлини ялпи ўзлаштириш натижасида сув сатҳи кўтарилиб, тупроқ иккиламчи шўрланишга мубтало бўлди. Натижада аллақанча боғлар, асрий дов-дарахтлар тузга дош бера олмасдан, қуриб қола бошлади. Балки Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари эккан мана бу кекса тут ҳам 600 йил умр кўриб, ўша даврда шу сабабдан завол топгандир.

Ҳокисор инсонлар ҳамиша бор ва бўлади ҳам. Аслида шундай инсонларнинг юртга, авлод-аждод ҳамда улар қолдирган маънавий ва моддий бойликларга муҳаббати юқоридир. Худди шундай олижаноб инсонлар қуриб-қовжираб қолган бўлса-да, мана шу кекса тутни арралаб ўтин қилиб исинмабди. Аксинча, авайлабгина асраб қўйибди. Ёриқлари кенгайиб кетмасин дея чегалабди. Раҳмат, эй ватандош, дедим дилдан.

.Асрор НИЗОМОВ,
геология—минерология фанлари номзоди

ТЎЁНА

Афанди ҳовлисига кириши билан янги хабар эшитди. Амакиси таклифнома ташлаб кетибди. Кўз ўнгидан унинг тўёнаси ўтди. Бироз тамадди қилди-да, мол бозорига йўналди у. Дуркунгина новвос олди. Уни етаклаганича амакисиникига равона бўлди. Ахир, у ҳам бунинг қиз чиқарувида новвос қилганди-да. Тавозе ила меҳмонлар қаторига ўтказилган Афанди бир тишлам нонни кавшаганича теваракка назар ташлади. Шунда бўз парда ортидаги ёнғоққа новвосни танғиётган амакисига кўзи тушиб қолди. «Менинг тўёна қилган новвосим бундан кўра тикроқ, бундан кўра залворлироқ эди. Бу эса, эҳ,- дерди у, – меникига қараганда тахминан ўн кило енгиллиги бор, ҳа, ўн кило! Эсиз, пулим сувга оқибди».

Буни эшитган Афандининг аъзои тани гугурт чертилган бир ғарам пичандек ёнди. Ёнса-да, ўзини босди у. Сир бой бермади. Аммо қалбидан қуйидаги сатрлар отилиб чиқди:

Тўёна – ўзи бир бемаъни удум,
Кимгадир олтин у, кимларгадир қум.
Берса ким тўёна қарз ўрнида гар,
Пастдир у, шумдир у судхўрлар қадар.
Олма ҳам, берма ҳам, бойсан ё қашшоқ,
Олган ҳам, берган ҳам. аслида аҳмоқ.

ПАСТ

Ён қўшним Тошмуҳаммад, билмадим, қачон кўзи тушган экан, ҳовлим этагидаги тиклаб қўйган ходаларимни сўраб қолди. Токига сўри ишлатармиш. Ўзимга керак эканлигини айтдим. У эса сукутга ботди, сўнг оғзидаги ўлжасини қарчиғай илиб кетган олақарғадек аламланди:

– Ў-ў, ака, еб кетарга сўраётганим йўқ сиздан! Сотинг, отаси пулми, оламан!

– Ахир, ўзимга керак, деяпман-а. Ёзга бориб қўйхона қурмоқчиман, устини ана шу ходалар билан ёпаман.

– Ёпадиган пайтингизда, айтинг, ўзингизникидан сарзиёдини олиб бораман. Менга ҳозир зарур-да, жуда зарур. Шунинг учун чиқдим.

– Кечирасиз, тентак одам нақдини насия қилади, дейдилар. Қўйинг, ўзингизни ҳам уринтирманг, мени ҳам! Бозор тўла хода, олинг вассалом!

Совумаган картошкани чайнамай ютган баъднафсдек кўзларини олалатиб чиқиб кетди, у.

Тиллодан бўлса-да итин туваги,
Текинга пастларнинг йўқдир суяги

НОЖЎЯ ТАНБЕҲ

Охуридан беда чайнаётган Эшак бирдан ҳанграворди, кўзларидан дув-дув ёш тўкилди. Бу ҳолдан ажабланган Говмиш луқма ташлади унга:

Масаллар

–Ҳа, тинчликми, бирон ерингга санчиқ турди шекилли-а?!

– Э, йўқ.

– Бўлмаса нега ўпканг тўлиб ўкираяпсан?

– Бир нарсадан доғман-да.

– Хўш, нимадан?

– Биласиз, кун бўйи тинимим йўқ, елкамда юк, ғайратимдан Хожамизнинг оғири енгил, узоғи яқин. Аммо у гоҳо-гоҳо чунонам ерга қориб ташлайдики, аламимдан беихтиёр доддлавораман. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

– Ерга қориб ташлайди, дедингми?

– Ҳа-да! Биласиз, ўғли Полвонтой ҳеч вақода йўқ. Бунинг устига ошга – ўртоқ, бошқа – тўқмоқ. Хожамиз менинг номим билан атаб ҳақорат қилади уни баъзан. Диққатланишим ана шундан, опагинам. Сал мулоҳаза қилиб кўринг-а, наҳотки у менга ўхшаса! Ахир, ғирт текинхўр-ку!

– Куйинма, хонадошим, куйинма. Ажабмас, ўғлига инсоф кириб, Хожамиздан кўфлик йитса. Негаким, сен ҳалол меҳнаткашсан. Ҳалол меҳнаткашнинг муножоти ижобат топгувчидир.

Гоҳида булбулдан чиқадир саъва,
На илож, афсусдан чайқалур калла.

Ямин ҚУРБОН

Овчи ён дафтаридан

Бир-бирига туташ баланд тоғ этакларида жойлашган Осмонсой қишлоғида одатий ҳаёт давом этарди. Лекин кутилмаганда бўри галаларининг қишлоққа оралаб қолгани чўпон-чўлиқларни сергаклантириб қўйди.

АЙЁР ВА АҚЛЛИ

Қиш оқшомларининг бирида йиртқичлар қўра яқинидаги беозор хўтикнинг қорнини ёриб кетишди. Орадан кўп ўтмай соғлом ва семиз совлиқларнинг бир нечтаси нобуд бўлди. Совлиқларнинг биридан ном-нишон йўқ эди. Бу каби нохушликлардан хабар топган Маман овчи фурсатни бой бермай тоғ дараси томон йўл олди. Азамат иккимиз унинг ортидан эргашдик.

Келишилган вақтда Шотисойга етаверишимизда катта харсанг тош устида йилқибоқар Шодиёр амаки бизни кутиб турарди. Сой этагида оқариб кўринган уйча ён-атрофида эллик чоғли йилқилар ёйилиб юрарди. Йилқибоқар кейинги ойларда йиртқичларнинг кўпайиб кетгани, одамлар тинчини бузиб, айниқса, майда шохли молларга тажовуз қилиб келаётгани ҳақида куйиниб гапирди.

Ҳадемай чор-атроф қоронғилашиб, йилқибоқар сой томондан шовқин солганича йиртқичларни биз томонга ҳайдай бошлади. Биз эса туя ўркачини эслатувчи пана-пастқам жойларда ўрнашиб олгандик. Бу орада тўлин ой ҳам кўтарилиб теварак-атроф бироз ёришгандай бўлди. Қарангки, ўртамиздан думини ўйнатганича бамайлихотир тулки ўтиб борарди. Айёр махлуқнинг бепарволигидан бўриларнинг ҳам бизни илғамасликларига ишонган эдик. Бироқ қулоқлари бир қарич келадиган ёлдор бўри ўн-ўн икки қадам нарида чўнқайиб ўтириб олди. У тез-тез биз томонга, гоҳ эгарланган қашқа саманга қараб қўярди. Негадир тоғ дарасида йиртқичнинг якка-ёлғиз юриши овчини ажаблантирди. Кўпдан бери Осмонсойни макон қилиб олган ва ҳар бир қаричи унга яхши таниш бўлган йиртқич кутилмаганда ўртамиздан чопиб ўтиб, Нарвон тоғи томон ўрмалай бошлаганини кўриб аввалига ҳангу манг бўлиб қолдик. Лекин умидизликка тушмай, унинг ортидан изма-из боришга аҳд қилдик. Теварак-атрофда жайраларнинггина тошдан-тошга ўтишганидаги «шиқир-шиқири» тун сукунатини бузар, оқ-қора, узун игналари ой ёруғида ялтираб кўзга ташланарди.

Эртаси оқшомда ёлдор бўрининг яна увлагани эшитилди. Унинг баланд, жиддий ва хирилдоқ овози бошқа бўриларникидан фарқ қиларди. Йиртқич икки-уч дақиқа увлагач тинчиб қолар ва бир қир ошгач, яна увлай бошларди. Онда-сонда бўри болаларининг ҳам акиллаши қулоққа чалиниб қоларди.

Биз ёлдор бўри ортидан изма-из икки қирни ошиб ўтдик. Кутилмаганда йилқиларнинг тапир-тупур қилиб дукурлаши, айғирнинг эса бетўхтов кишнаши қулоққа чалинди. Йилқибоқар Шодиёр амаки жонҳолатда қашқа саманини уюр томон буриб, кетма-кет қамчи босди. Шундагина ёлдор бўрининг бизни чалғитиб, баланд тоғ оша йилқилар уюрига бориб қолганини пайқадик.

Тонг ёришар-ёришмас уйча томон яқинлашарканмиз тахминларимизнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Айғирнинг олд оёқларини кўтарганича йиртқични тишламоққа чоғланиши, ортидан яқинлашса зарб билан тепишга ҳозирланиши кўзга ташланиб турарди. Бир зумда одамлар ҳам тўпланишди. Афтидан айғирнинг кишнаши қишлоққача бориб етган эди. Шу орада тоғларни ларзага солувчи гумбурлаган ўқ овози қулоқни қоматга келтирди. Кўпдан тутқич бермай келаётган ёлдор бўри Маман овчининг назаридан қочиб қутулолмади. Махлуқ катта харсанг тош оралиғида орқа оёқларини ололмай ўтириб қолганди. Биз саксовул шохидан ясалган йўғон таёқ билан ҳамла қилмоқчи бўлганимизда йиртқич уни бир ғажишдаёқ бўлак-бўлак қилиб ташлади. Маман овчи милтиғи қўндоғи билан уриб йиқитгачгина у тинчиб қолди.

Тонг ҳам ёришиб, уйча томон йўл оларканмиз, уюр атрофида йиртқичнинг айланавериб йўл ҳосил қилганининг гувоҳи бўлдик. Тупроқдаги ёлдор бўри излари бошқа бўриларникидан йириклиги билан фарқ қиларди.

Нонуштадан сўнг Маман овчи бир неча кунлик уйқусизликдан ҳориб-чарчаган бўлса-да, Осмонсойнинг тоғу тош, қир ва адирликларини худди биринчи марта кўриб тургандек кўздан ўтказаркан, майин бутазорлар оралиғида учта она бўрининг ов пайтида биздан яширинишгани, оқ ёлдор бўрининг эса Нарвон қишлоғи ошувигача увлаб бориб бизни ортдан эргаштириб чалғитгани ва баланд тоғ дараси этагидаги йилқилар уюрига ҳужумга ўтгани маълум бўлди. Шунда биз йиртқич бўриларнинг ниҳоятда айёр эканлиги, ақл билан иш тутиши ва ҳар доим ҳушёр бўлишини англаб, беихтиёр ҳайратдан ёқа ушладик.

Абдулла САИДОВ

Навоий вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси Кармана тумани халқ таълими бўлими мудираси Шаходат Хамидовага волидаи мухтарамаси
КАРОМАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



Бу-ажиб дунё

Шарқ тақвимига кўра, кириб келган 2006 йил – оловли ит йили. Мунажжимларнинг башоратича, у таваккал қилишдан қўрқмайдиган, тиниб-тинчимас, юрагида ўти бор, ғайрати жўш урган одамлар учун омадли келади. Чунки оловли ит – фаол курашлар тимсолидир.

ГЕОЛОГЛАРНИНГ ЯҚИН ДЎСТИ

Бундан бир неча йил аввал матбуотда контопар итлар ҳақида хабар босилган эди. «Ит – геолог-а! Жуда қизиқ!» деб қўйишганди ўшанда ажабланган кишилар. Маълумки, тажрибали одам тупроқни ҳидига қараб хилма-хил турларга ажрата олади. Ит эса ҳид билишда ҳар қандай одамни йўлда қолдириб кетади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида итлар минглаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолган. Итлар ўша вақтларда ер остига яшириб қўйилган минералларни жуда усталик билан топишган. Шундай экан, итларнинг ҳид билиш қобилияти нақадар ўткирлигига шак-шубҳа қолмайди. Бундан бир неча йил аввал 7 та овчарка ит танлаб олиниб, уларга махсус машқлар ўргатилди. Итларга ўнларча турли хил руда намуналари кўрсатилиб, уларни тош орасидан ҳидлаб топиш вазифаси топширилди.

Бу ишни биринчи бўлиб чегарада анча йил хизмат қилган ит бошлаб берди. Тажрибали ит тезда олтингугуртли, темирли ва мисли бирикмаларни хатосиз топа оладиган бўлди.

Шундан кейин бу итни руда қазиб олинадиган жойга олиб боришди. Бу ерда ҳам у ўз маҳоратини кўрсатди. Исковчи итни бир неча метр чуқурликда ётган руда конларига олиб боришди. Кон бор жойга бир неча метр қолганда ит бесаранжомланиб, рудани топдим деган маънода вовуллаб қўйди.

Янги топшириқ бўйича итни музлаб қолган ботқоқликка олиб боришди. Бу ерда руда қалинлиги ярим метр бўлган қор, муз ва охири қумлоқ қатлам билан қопланган уч қобиқ остида яшириниб ётарди. «Тўрт оёқ»ли геолог яна янглишмади.

Ниҳоят, мутахассислар итга ҳали текширилмаган жойдан кон қидириш вазифасини юклашди. Геологлар учун биров «мана шу ерда кон бор» деган жойда ҳаяжон билан дарҳол қудуқ ковлаш қандай ажойиб-а! Ит берган маълумот тўппа-тўғри чиқди. Ана шундай қилиб, ит ўзининг биринчи кашфиёти билан ном чиқарди. Бу ишга олимлар катта умид боғладилар. Улар итларни фақат металларнинг сульфидли рудаларини топишга ўргатиш билан кифояланмай, балки уларни қалай, олтинни ҳам топишга ўргатмоқдалар.

Олтин ҳиди жуда сезиларсиз бўлганидан, уни топишда итлар ҳам анча қийналиши шубҳасиз. Шунга қарамай олимлар бу масалани ечишга уриниб кўриш даркор, деган хулосага келишди.

А.АЛИЕВ тайёрлади

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
Тиражи: 18646 Буюртма Г— 316

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.40

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.